



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 20 » iyun

№ПК-198

“Ўзагролизинг” АЖ фаолиятини янада таомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги корхоналарини замонавий ва энергия тежамкор техника билан таъминлаш, қайта ишлаш ва сақлаш мажмӯаларини барпо этиш ҳамда тайёр ҳолда фойдаланувчиларга беришда лизинг хизматлари имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида:

1. “Ўзагролизинг” АЖнинг (кейинги ўринларда – Жамият) 4 йиллик молиявий ҳисоботлари халқаро аудитдан ўтказилиб, “B+” барқарор халқаро рейтинги олингандиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кенг турдаги замонавий юқори унумдор ва энергия тежамкор техника билан тизимли таъминлаш билан бир қаторда Жамият фаолиятини диверсификациялаш, хусусан хорижий инжиниринг компанияларини жалб қилган ҳолда:

фермер ва томорқа хўжаликларига механизация ва хизмат кўрсатиш сервислари;

муқобил энергия манбаларидан (қуёш, шамол, ва ер қаъри энергияси) фойдаланиладиган замонавий иссиқхона комплекслари ва шаҳарчалари;

майда шохли молларни бўрдоқи қилишга мўлжалланган замонавий технологиялар билан жиҳозланган чорва комплекслари;

республикада етиштириладиган мева-сабзавотларни юқори технологиялар асосида қайта ишловчи корхоналар ва логистика марказларини тайёр ҳолда лизингга бериш амалиётини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансан.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Агентлик (Ортиков) ва Жамият (Отажонов) икки ой муддатда етакчи хорижий консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда Жамиятни ривожлантиришнинг 5 йиллик стратегиясини ишлаб чиқиб, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъминласин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов) ва Жамият (Отажонов) Жамият фаолиятини диверсификациялаш учун халқаро молия институтларининг йилига 100 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда паст фоизли ва узоқ муддатли маблағлари тўғридан-тўғри жалб этилишини йўлга қўйсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Агентлик ҳамда Жамиятнинг халқаро молия институтлари маблағларини жалб этишда устав капиталининг етарлилигига қўйилган талабларни инобатга олган ҳолда:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан (кейинги ўринларда – Жамғарма) Жамиятга аввалги йилларда ажратилган лизинг портфелидаги қарз маблағлари ҳисобидан 285,9 млрд сўм маблағларни Жамият устав капиталини оширишга йўналтириш;

Жамиятнинг Жамғарма олдидаги қолган қарздорлигини 2028 йилга қадар график асосида тўлиқ қайтариш;

Жамғарма томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарори билан қишлоқ хўжалиги техникалари лизинги учун Жамиятга маблағлар ажратилишини тўхтатиш;

Жамиятнинг 2023–2028 йилларда олинадиган соф фойдасининг 50 фоизини дивиденд сифатида йўналтириш;

2026 йилда Жамиятнинг устав капиталидаги давлат үлушкини савдога чиқариш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

5. Агентлик давлат үлушкини ошириш учун Жамиятнинг қўшимча чиқариладиган акцияларини номинал қийматда жойлаштиришни таъминласин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов белгилансин.

Қарор ижросини мұхокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири ўринbosари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри